



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 22 - aprel

271к -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Эрметов Зафарбек  
Кудратовичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Бўка” маҳалласида яшовчи фуқаро Эрметов Зафарбек Кудратовичнинг “Бўка” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 12 мартдаги ШЯ-Э-1025-сонли аризасини, “Бўка” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 8 январдаги 30-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот тумани ҳокимининг 2004 йил 25 августдаги 316-сонли қарорига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Бўка” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 38,82 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 96,88 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 135,70 квадрат метр, қурилиш ости майдони 231,0 квадрат метр, умумий ер майдони 620,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Эрметов Зафарбек Кудратовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Эрметов Зафарбек Кудратовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Эрметов Зафарбек Қудратовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

• **Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**